



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 54 (13.651)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Жонажон юртимиз – Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўзи олам кириб келмоқда.  
Ана шу кутлуг айём – Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.  
Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.  
Қадрли дўстлар!  
Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда.  
Етти ёшдан етмиш ёшгача – барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.  
Эл-юртимизнинг табаррук заминимизга, она дёйримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намён бўлмоқда.  
Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.  
Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий кор-

хоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой кўшмоқда.  
Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари – одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.  
Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.  
Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз кутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклар, ишларига ривож тилаймиз.  
Азиз дўстлар!  
Мана, бир неча йилдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.  
Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбига энг гўзал ва оли-

жаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, дёйримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамига айланади.  
Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.  
Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, раванқ ва фаровонлик тилаймиз.  
Қадрли ва муҳтарам юртдошларим!  
Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.  
Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!  
Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!  
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## НАВРЎ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши кўшилиқ каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.  
Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.  
Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.  
Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.  
Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик давларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.  
Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, худудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлакларини очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.  
Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намояндлари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги энгилликлар икки мамлакат халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилигига эришилганини таъкидладилар.  
Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.  
Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизир мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Қуръон тиловат қилинди.  
Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари хамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.  
Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

## ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ НАВРЎ САЙИЛЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



Юртимизга баҳор келди. Она замин узра кўкнам насими эса бошлади. Қаҳратон совуқда мудроқ ётган дов-дарахт уйғониб, бугун куртак ёзди. Қуёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди. Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўлк-орзулари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишонч билан тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимизга "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг кутлуг бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб кутлуг айёмга пешвоз чиқмоқда.  
Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларда хашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.  
Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-муруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улғу инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъозлаш, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилди.



...21 март эрта тонгдан карнай-сурнай ва ногоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.  
Наврўз байрами ҳамма жойда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда.  
Тошкент шаҳридаги асосий байрам тадбирлари "Ўзэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

(Давоми 2-бетда)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!  
Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шаҳсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини уйғун байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.  
Сўнги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталарига янги ҳаётий кўч бағишлади. "Бир макон – бир йўл" қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳам-

корлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларимиз жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишим ва Сиз билан дўстликни юксак кадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,  
Хитой Халқ Республикаси  
Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент, азиз қардошим!  
Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлиқ, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мужассам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда

дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шаҳсан ўз номидан энг самимий тилакларим ила табриклайман.  
Хурмат билан,  
Режеп Таййип ЭРДОҒАН,  
Туркия Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Уйғониш, яшариш ва уйғониш айёми – Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.  
Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган

кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.  
Хурмат билан,  
Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,  
Қозоғистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Қирғизистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ҳамда Сизнинг тинимингизда бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми – Наврўз билан самимий муборакбод этаман.  
Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик, яхши кўшилиқ ва қардошлиқ алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биргалиқдаги сай-қарақатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамойилларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.  
Эҳтиром ила,  
Сооранбай ЖЭЭНБЕКОВ,  
Қирғизистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш айёми – халқаро Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.  
Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли

ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам Наврўзнинг ҳаётбахш гоёларидан илҳомланиб, изчил тараққий этиб боради.  
Хурмат билан,  
Имомали РАҲМОН,  
Тожикистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Қадрли биродарим!  
Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этиш, фаровонлик ва раванқ тилашга ижозат бергайсиз.  
Бир неча минг йиллик тарихга эга

Наврўз байрами меҳмондўстлик, яхши кўшилиқ анъаналари бардавомлиги ва улғу инсонийлик тамойилларини мужассам этган халқларимизнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади.  
Чуқур ҳурмат ила,  
Гурбангул БЕРДИМУХАМЕДОВ,  
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Ўзим ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий ва маданий-маърифий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан самимий табрикларимни изҳор этаман.  
Халқларимиз иродаси билан биз бундан буён ҳам Озарбайжон ва

Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини биргалиқда мустаҳкамлаб боришимизга ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.  
Хурмат билан,  
Илҳом АЛИЕВ,  
Озарбайжон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзининг энг самимий табрикларимни изҳор этаман.  
Муштарак байрамимиз билан яна

бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.  
Мухаммад Ашраф ҒАНИ,  
Афғонистон Ислам Республикаси  
Президенти

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**  
Саудия Арабистони Подшоҳлиги вазир шайхзадеси, Бош вазирининг ўринбосари, мудофаа вазири **Мухаммад ибн Салмон Ол Сауд**  
Индонезия Президенти **Жоко Вадодо**  
Фаластин Президенти **Махмуд Аббос**  
БАА вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири **Мухаммад ибн Рошид Ол Мактум**  
Афғонистон ижро ҳукумати раҳбари **Абдулла Абдулла**  
Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Оллошқукур Пошшоэода** табрик йўлади.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Наврўз муносабати билан самимий табриклар қилиши давом этмоқда.

# ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Турфа ранг байроқчалар ҳилпиради, ранго-ранг шарлар майин эпкинарда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий сахна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндлари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

...Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутуйиба, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпқари, пойга, қураш, мерганлик каби миллий ўйинлар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. "Ўзэкспомарказ" мажмуида кенг сайил сифатида ўтган байрам дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган вакиллар ўз худуди тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган чиқишлар, тансиқ таомлар ва хунармандлик маҳсулотларини намойиш этди. Устаю хунармандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварларнинг рангин либослари, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбоблари, миллий буюмлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари; уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган кўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Худудлардан ташриф буюрган нуруний отахону онахонлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан табриклади. Қўллар дуога очилди.

...Ийгитлар чиллак, зувиллатар ўйнайди, кураш тушиб беллашади. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, қизиқчилик каби намойишлар Наврўз сайли қатнашчиларини хушнуд этади. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламни тутайди. Соқларига жамалак таққан қизлар шўх-шодон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ конларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизиди. Фольклор жамоаларининг куй-кўшиқлари қушлар чуғурига, кўркам фавворанинг жилдирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаяётган ҳамюртларимиз дилларида қувонч, ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналик туйғулари тугён ураётди.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар руҳи одамлар қалбига кўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интилмоқда. Ўтган йили 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида кенг қўламда ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча даражадаги раҳбарлар халқ ичига кириб, уларнинг дарду ташвишлари билан қизиқди, муаммоларга биргаликда ечим топилди. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ" деган гоя ҳаммамиз учун шiorга айланди.

Харакатлар стратегияси ижроси доирасида



2017 йилда 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонларарлиқнинг юксак намунаси бўлди. Қисқа муддатда 161 та йирик саноат объек-

дай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислоҳ академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармовий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил-этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамининг. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз раванга йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тантанана ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз олам – Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Кутлуг кунда барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилади.

...Майдон узра янграётган дилбар куй-кўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шукуҳини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий ҳайкаллари пойига гул қўйди. Шу ерда самарқандлик ижодкорлар ҳамда Наврўз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирларида вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Абу Бахр ҲОЗОВ,  
ЎЗА муҳбири



## ОНА ДИЁРИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ КЕЗМОҚДА

**Бу йил мамлакатимизда Наврўз байрами халқ сайли тарзида катта тантана билан нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида асосий байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.**

ЎЗА муҳбирлари Наврўз сайилларида қатнашган хорижий давлатлар элчилари ва пойтахтимиз меҳмонлари билан байрам таасуротлари ҳақида суҳбатлашди:

**Цзын ЯНЬ хоним, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факуллода ва муҳтор элчиси:**

– Наврўз байрамини Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, барчани ушбу айём билан табриқлайман. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик кенг миқёс касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Сиёсат, иқтисодийёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илим-фан, таълим, маданият соҳаларида кенг қўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўйлайманки, бу алоқалар келгусида ҳам жадал давом этади.

**Раҳмоний НОРТОЖИЕВ, Фарғона вилояти "Садо" миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:**

– Мумтоз куй-кўшиқларимизни бутун дунёда яши билишарди. Наврўз байрамига гижак, дугтор, қашкар рубоби, уд каби 16 турдаги чолғу асбобларини келтирганимиз. Мақсадимиз кўп асрлик тарихга эга ушбу чолғуларимизни халқимиз, айниқса, ёшларимизга таништириш. Бундан ташқари, "Мақом" ансамблимиз хонандлари мумтоз кўшиқларимиз билан иштирок этапти.

Вилотиямиз чеварлари тиккан адрас, атлас матолари намойиши, Риштон қуллолари маҳсулотлари, дорбозлар чиқишлари ҳам кўпчиликда катта таасурот қолдиришмоқда.

**Гонтер ОВЕРФЕЛЬД, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Факуллода ва муҳтор элчиси:**

– Наврўз байрамини қатнашиб, ўзбек миллий рақсларини томоша қилдим. Урф-одатлариниң, сумалак менга жуда ёқди. Ўзбекистонга келганимга унча кўп бўлмади, лекин катта вилоятларга бориш насиб этди. Менга чет эллик инвесторлар учун яратилган имконият ва шароитлар, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши маъқул бўлди. Ўзбекистон билан Германия ўртасида азалдан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожланиб келган. Бундан кейин ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, янги тармоқларда шериклини йўлга қўймоқчимиз.

**Пўлат АЙТМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири:**

– Байрам дастурида қорақалпоқ халқи миллий урф-одатлари билан иштирокчиларни таништиришни ният қилганимиз. Қиз узатиш, тушов кесиш, беточар, айдар тўй каби миллий урф-одатларимиз, миллий ўйинлар, таомлар, хунармандлик маҳсулотларини йиғилганларга кўтаринки кайфият улашмоқда.

Айниқса, "Айқулоч юлдузлари", "Аму тўлиқни", "Гулзор" ансамбллари ижросидаги қорақалпоқ элининг бетактор куй-кўшиқ ва рақслари кўпчиликка манзур бўлаётди. Байрам меҳмонлари қора уй (ўтов), Чилпик бўла мақети, Оролбўйи халқининг миллий наҳшлари, буюмларини қизиқиш билан томоша қилмоқда.

**Соҳиб ИМОМИЙ, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факуллода ва муҳтор элчиси:**

– Наврўз олам бизнинг юртимизда ҳам кенг нишонланади. Бугун пойтахтимизда ўтаётган байрам сайилларида қатнашиб насиб этганидан жуда бахтиёрман. Бу ерда намойиш этилаётган хунармандлик маҳсулотлари, либослар ва таомлар худди бизникига ўхшаш. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат туйфайли сўнги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамизда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида кўшни мамлакатлар билан алоқаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Натижада минтақамизга янги ҳаёт шаббодаси кириб келди ва ҳуснорчилик қилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ҳам ҳар томонлама ҳамкорлик ва яхши қўшилишни ривожлантиришга доир қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар имзоланди. Насиб этса, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари янада юқори боқичга кўтарилади.

**Санобар ОРИПОВА, Сурхондарё вилоятидан келган хунарманд:**

– Бойсун каштачилик мактаби узок тарихга эга. Биз оиламиз аъзолари билан ушбу мактаб анъаналарини довам эттириб келаямиз. Бугунги кунда каштачиликда суний таволлардан тайёрланган пишик иллар, ҳар симлар, ҳатто хом чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Қадимий анъаналарга қўра, ҳар бир оилда ўсаяётган қиз бола кашта тиккан, чеварликни ўрганган. Шунга қўра, бўлажак болаларимизга ўз сегини ўзи тиккан кашталар билан бойитишга ҳаракат қилган. Узиниғиз кўрдигиниз, байрамга келган аксарият қизлар каштачиликка қизиқишини айтиб, телефонимизни ёзиб олишди. Биз бундан жуда хурсанд бўлдик.

Сурхондарё фольклор санъати, ноёб қадриятлари, худуд табиатида хос ранг-баранг либослари, дастон ва лапарлари, сеҳрли чанқовуз оҳанглари билан қадимдан машҳур. Вилотиямиз учун ажратилган павилон, айниқса, байрам иштирокчилари билан гавжум бўлди. Бахшилар ижросидаги дастонлар, ўйноқи кўшиқлар барчага манзур бўлди.

**Баҳодир ОТАЖОНОВ, Хоразм вилоятидан Каттабоғ қуллолик мактаби вакили:**

– Хоразм қуллолик мактаби мовий, зангори, фируза рангли бўёқларнинг кўпроқ қўлланиши, геометрик ва ўсимликсимон наҳшлари билан ажралиб туради. Байрамга мактабимизда тайёрланган кўза, лаган, коса каби маҳсулотларини олиб келдик. Каттабоғлик қуллолар табиий ўсимлик, қора вароқдан ишқор тайёрлайдилар. Бу маҳсулотнинг сифатли чиқишида алоҳида ўрин тутайди. Шунинг учун вилотиямизга ташриф буюрувчи сайёҳлар уни кўп харид қилган. Бугун байрам иштирокчиларига маҳсулот яшас сирларини ўргатдик.

**Раҳматхўжа АЛИХҲАЕВ, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан келган пичоқсоз уста:**

– Шаҳрихон шаҳрида иккита пичоқчилик мактаби бор. Болларимиз 1810 йилда асос солган пичоқчилар сўлоласининг саккизинчи авлодииман. Миллий байраминиз – Наврўзда 50 хилга яқин пичоқимиз билан кўрғазма ташкил қилдик. Айни пайтда хунар ўрганман, аждодларим йўлини давом эттирмаман, деган ёшлар учун барча имтиёз ва имконият берилмоқда. Ҳар бир хунарманд тайёрлаган маҳсулотдан манфаат кўраётди. 30 дан зиёд шогирд етиштирганман. Улар ҳам Шаҳрихон пичоқчилик мактабининг ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўймоқда.

**Баҳодир МУТАЛОВ, Самарқанд шаҳридан келган новвой:**

– Мамлакатимизда ноннинг тури кўп. Лекин Самарқанд нонининг доврўни бутун дунёга таратган. Ўзини мазази, тўйимлиги бошқалардан фарқ қилади. Бугунги пойтахтимизда ўтказилаётган Наврўз байрами асосида Самарқанд нонининг тайёрланиш жараёнини иштирокчиларга намойиш қилдик. Кўпчилик, айниқса, хотин-қизлар бу жараёни катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб турди.

**Анвар ИНАМОВ, бешиқсоз уста, Наманган вилояти:**

– Меҳр-оқибат, хайр-саховат айёми бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида янгича мазмун билан бойиб, умумхалқ байрами даражасига кўтарилди. Наврўз ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Отамнинг касбига ҳавас қилиб, устахонамизда ўғлим ва шогирдларимиз ёнимга олиб бешиқ ясамоқдамиз. Сўнги йилларда мамлакатимизда миллий хунармандлик ривожига кенг йўл очилди. Азалий қадриятларимизни ўзида муқаммас этган бешиқларга талаб катта. Ёндоқ дарағига ишлов бериб, ойига 30 дан ортиқ бешиқ ясаймиз. Меҳнатимиздан келган даромад оиламиз фаровонлигини таъминламоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Умар АСРОРОВ ёзиб олди

## МАҲАЛЛАМ ЧАМАНИМСАН, ҲАМ ЖОНИМ, ҲАМ ТАНИМСАН!

**Кўчат экиб боғ ярат, дейди доно  
халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам  
Ўзбекистон ерлари олтинга тенг.**

Кетмон сопини ерга суқиб қўйсангиз ҳам, униб чиқиб ҳосил бераверади. Хизмат сафари билан бир неча бор Арабистон чўллариди, Мисрда бўлганман. Биргина дарахт кўчатини ундириш учун уч йиллаб тагиға тинимсиз сув қўйиб туришади, шамол бўлганда, синмасин деб, кўчат устига қапа қуришади, шамол тингач қапани яна олиб қўйишади. Минглаб қақирим чўлу биёбон саҳрода бир дона майса униб чиққанини кўрмайсиз. Буларни албатта ўз кўзи билан кўрмаган одамнинг тасаввур қилиши қийин. Чунки, Ўзбекистоннинг боғ-роғларига, ям-яшил далаларига, ўтлоқларига, ўзи ўсиб ўзи қўпаяверадиган поёнсиз кўм-кўк тенгликларига кўзимиз ўрганиб қолган. Дунё ҳамма жойда шундай бўлса керак деб тасаввур қиламиз. Афсуски ундай эмас. Худойимнинг бизга берган сарҳосил, серунум жойларига, барокатли масканга минг бора шукроналар айтишимиз керак. Шу билан биргалликда, бу серунум жойлардан унумли фойдаланишимиз керак.

Баҳорнинг серкўеҳ ва тароватли кунлариди Чилонзор туманининг "Чўпонога", "Дўмбуробод", "Бектўпи", "Хирмонтепа", "Боғзор" МФЙ фаоллари, қалби қайноқ, забардаст ва меҳнаткаш инсонлари ўзлари яшаб турган худудларда манзарали ва мевали, атиргул ва райхон сингари гул кўчатларини ўтказишни бошладилар. Шунингдек, саранжом-сарипталика, озодалика, ободончиликка кенг аҳамият бериб, сугур-сидирни бошлаб юбордилар. Ахир, озодалик, ободончилик инсоннинг бош матлаби-ку. Қалби тоза одамнинг фикри тоза бўлади, фикри тоза инсоннинг нияти тоза бўлади, деб бежиз айтишмаган. Шу тоза ният, тоза мақсад ҳаммаша ҳаммамизга ҳамроҳ бўлсин.

**Мухаммад ИСМОИЛ,  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш  
органлари фаолиятини мувофиқлаштириш  
бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош  
мухтаassisи**



Ислоим Исмаилов олаған суратлар

## УЙҒОНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ

**Баҳор келиши билан қишдан толиқиб, ҳориб чиққан танамиз бирданги  
енгиллашди, руҳимиз тетиклашди. Баҳор қалбимизга гурур, дилларимизга шуур  
бағишлайди.**

Қўркам худудлар бўйлаб ўз сепини ёйган сўлим фасл – атрофни гулу гулзорга айлантириб, дилларга шукўх бағишлайди. Далаларда меҳнат завқи ўз ҳукронлигини кўлга олади. Кенг ва бепоён қир, адирларга баҳорги бугдўй уруғи ва пушта олинган ерларга чигит қадалади, қадоқ кўлли бобо деҳқонлар дуога кўл очиб йилимизнинг баракали, ҳосилимизнинг салмоқли бўлишини Оллоҳдан сўрашади. Ана шундай эзгу ният билан фотиҳа ўқилиб, деҳқончилик юмушлари бошланади.

Энг муҳими, йилимизнинг сербарака, саховатли бўлишида муҳим ўрин тутадиган янгиланиш, яшарлиш фасли – Наврўзи олам кириб келади.

Хуш келибсан, интиқ ва интизор кутганимиз – Наврўзи олам!

Кўни кеча кишлокларимизда, далаларимизда сенинг қалдирғочинг – бойчечани ўғил-қизларинг қўллариди кўрган отахон ва онахонларимиз уни оҳиста, авайлаб қўларингга олиб:

Шуқр-шуқр, омонлик-омонлик, ҳеч бўлмасин ёмонлик, дея кўзларига суртишди, элу юртга омонлик, тўкин-сочинлик тилаб дуога кўл очишди.

Х а с р да яшаган Маҳмуд Қошғарий бобомизнинг "Девону луғотит турк" китоби орқали Наврўз ҳақидаги халқ кўшиқларини ажиб бир гўзал намуналари бизгача етиб келган.

*Нақхати Наврўздин бўлди машоми жон латиқ,  
Кетми даврони малолу келди айёми шариф.*

Мумтоз ўзбек классик адабиётида Наврўз мавзуида ёзилган шеърлар XIV-XV асрларда қатор ижтимоий руҳдаги фикрларни, эстетик қарашларни ҳам ўзида акс эттирган. Аввало қалам аҳли Наврўз сайлига тун ва

куннинг тенглашиши билан табиатда эзгуликнинг рамзи – баҳорнинг галаба қозониши деб қараган, уни буйи билан сочи тенг бўлган қизга ўхшатиб ҳароратли сатрлар битган.

*Васили аро, кўрдим, тенг эмиш буйин сочи,  
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.*

(Алишер Навоий)

Буюк шоир ҳазрат Алишер Навоий Наврўз мавзуида ёзилган шеърлариди инсонни шарафлайди, уни табиатнинг баркамол ҳусни мужассамланган мўъжиза деб таърифлайди:

*Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар Наврўз ила байрам,  
Чаман сарви яшил хиллат, менинг сарвиравоним ҳам,  
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим этиб жавлон,  
Онинг шайдоиси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.*

Яъни: Наврўз келиши билан чаманининг сарв дарахти ҳам, менинг хушқомат ёрим ҳам яшил рангли кийим кийдилар. Лекин ёримнинг кўрки олдиди чаманининг сарви лол бўлиб қолди. Ахир, бу табиий-да, чаман сарвининг битта ошмиги бор у ҳам бўлса деҳқон: менинг сарвиравоним эса бутун олам аҳлини шайдо қилган. Юқориди келтирилган мисралардан аёнки, Наврўз мавзуида ёзилган шеърларда оташнафаас шоирлар инсоннинг завқ-шавқини баралла қуйлаганларига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, биз орзиқиб кутган сўлим баҳор, унинг шоҳи – Наврўзи олам кириб келди юртимизга. Мархаббо, янги йил – яшариш, янгиланиш, покланиш байрами – Наврўзи олам!

Ғайрат ШУКУРОВ

**Эрта баҳорда инсон танаси дармонсизланиб, ҳолсизланиб борайтгандек бўлади.  
Бош айланиб, кўз тиниш ҳолатлари кузатилади. Бу халқ иборасида иллик узди, дейилади.  
Шундай дамларда қувват ва дармон берувчи баҳорий таомларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Сумалак ва ҳалим азалдан Наврўз таомлари ҳисобланади.**

Кўйда ушбу таомларни тайёрлаш жараёнини эйтиборингизга ҳавола қиламиз. Кўпчиликка сумалак тайёрлаш учун бир қоп – 50 кг. ун, 20 кг. бугдўй, 5 кг. пахта ёғи керак бўлади.

Сумалакни тайёрлаш учун аввало бугдўй тозаланиб, иллик сувда ювилади. Ювилган бугдўй сирли идишга солиниб, бир кун ивитиби қўйилади. Бугдўй сал ниш ургач, тоза фанер устига ёқи пленка устига, кўёш нури тушмайдиган жойга ёйилади. Дон ёйилган хона ҳарорати бир хил, яъни иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаслиги керак. Хар кўни масалликча маълум миқдорда сув сепиб турилади. Икки-уч кундан сўнг бугдўй кўм-кўк майса бўлиб, бир текис униб чиқади. Майсалар игна бўйи бўлганда, уни

## БАҲОР ТАОМЛАРИ

бўлакларга бўлиб, ёйилган жойидан ажратиб олинади. Кейин гўшт қиймалагидан ўтказилади. Устидан сув қўйиб, аралаштирилади.

Сўнгра шарбати доқада сузилади. Ҳосил бўлган сутсимон суюқликдан уч марта шарбат олинади. Катта қозонга солиб қиздирилган пахта ёғи доғланиб совитилади. Даставвал сузилган шарбат қўйилади, кетидан бугдўй уни элакда ёйиб солинади. Яхшилаб омухта қилинган суюқлик балинд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққач, иккинчи сузилган шарбат қўйилади. Бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қўйилиб,

балинд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққандан сўнг олов бир оз пасайтирилади. Бир маромда қайнайверди.

Аёллар кетма-кет 3-4 та капгирда қозонни қовлаб туришлари керак. Шу пайт 20 – 30 дона ёнғоқ ёқи майда тош солинади ва бетўхтов қовлаб турилади.

Сумалак 10 – 12 соат қайнатилди, жараён давомиди сув қўйиб турилади. Сумалакнинг ранги тўқ жигарранг бўлиб қуюқлашганида етилган ҳисобланади. Қозоннинг олови олиниб, устига қопқоқ ёпилади. Мато билан ўралади ҳамда 5-6 соат димлаб қўйилади. Димланиш муддати яқунлангач, қозон усти очилади

ҳамда тановул қилиш учун тарқатилади. Ҳалим тайёрлаш учун аввало қозонга сув солиб, керагича гўштни ювиб соламин ва қайнатамин. Бироздан сўнг ярим халқа тўғралган пивё қозонга солинади. Гўшт пишғач олиб гўшти суяқдан ажратилади.

Гўшлар қайтиб қозонга солинади ва тўртбурчак қилиб тўғралган чарви унинг изидан қозонга тушади. Ундан сўнг ювилган ёрма (овсяная крупа) ёқи бугдўйни қозонга соламин ва аралаштиришда давом этамин. Бундан кейин иложи борича қовлашдан тўхтамаслиқ керак 7-8 соат қайнагач устини ёйиб, қайнатилган давом эттирилади. 7-8 соатда тайёр бўлади. Сузишда идишимиз катталигига мос ҳалим ва устига қиймасидан солиб, дастурхонга тортамин.

Хуришда ЮСУПОВА

## БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида  
Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги  
вице-президенти Сурайё Ер ва ТИКАнинг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси раҳбари Али Ихсан Чаплар билан  
учрашув бўлиб ўтди.**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазირи А.Ҳаитов икки мамлакат ўртасида меҳнат миграцияси борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бу соҳада ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият қасб этаётганини таъкидлади. Ҳозирги кунга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги 25 нафар ходим ТИКА билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган Туркия Меҳнат ва ижтимоий муҳофазата вазирлиги тасарруфидидаги ташкилотларда малака оширди.

Учрашувда ТИКА билан ҳамкорликда юртимизда банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш тизимида амалга оширилиши назарда тутилган устувор вазифалар юзасидан фикрлар алмашилди. ТИКА томонидан Ўзбекистон Республикасида талаб юқори бўлган соҳалар бўйича касб-хунарга ўқитиш тизimini йўлга қўйиш юзасидан тақлифлар берилди. Жумладан, ТИКА раҳбарияти Фаргона водийсида худуд аҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга ўқитиш марказларини очиш, айниқса, талаб юқори

бўлган тикувчилик, автомобилсозлик, машинасозлик, пайвандлаш ва бошқа шу каби йўналишларда касб-хунарга ўқитиш тизimini яратишга эйтибор қаратди.

Касб-хунарга ўргатишда Туркия Республикасидан малакали кадрларни жалб қилиб, таълим сифатини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган малакали касб эгалари меҳнат фаолиятини бошлашида керакли жиҳоз ва анжоналар билан таъминлаб берилиши алоҳида таъкидланди. Ушбу тизим аввало Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ишга туширилди ва кейинчалик республикамизнинг қолган вилоятларида ҳам худди шундай марказлар очилиши режалаштирилган.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда ТИКА билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган истиқболли режалар муҳокама қилинди. Асосий устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Г.САТТОРОВА

**Ўзбекистон Фанлар  
академияси  
Абу Райхон Беруний  
номидаги  
Шарқшунослик  
институтининг  
янги биноси  
фойдаланишга  
топширилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абулдулла Арипов, Умон Султонлигининг Медрес ва маданият вазир Саййид Ҳайсам бин Тариқ ал-Саъид ҳамда Вақф ва дин ишлари вазир Шайх Абдулла бин Муҳаммад бин Абдулла ас-Салимий иштирок этди. Улар институтда яратилган кенг имкониятлар, музей, иш хоналари, кўлэмалар сақланаётган кутубхона, лаборатория билан танишди. Иш жараёнларини кузатди.

Меҳмонлар нодир манбалар, тошбосма китоблар, миниатюралар, хатотлик намуналари, тарихий ҳужжатлар коллекцияларининг энг яхши намуналари жой олган кўрғазмани кўздан келтирди.

Мазкур институт биноси 2009 йилда Биринчи Президентимиз Ислоим Каримовнинг Умон Султонлигига ташрифи чоғида



## ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ЯНГИ "УЙГА" КЎЧИБ ЎТДИ

икки давлат ўртасидаги имзоланган битимга биноан ушбу давлат иштирокида бунёд этилди.

Бино уч қаватли. Қираверилган ички марказий атриумнинг балиндлиги 16 метрни ташкил этади. Марказий залга қирган одам унинг дизайндан ўрта асрларнинг йирик намоёндалари – ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек, Абу Райхон Берунийни ёдга олади.

Институтдаги 26 минг кўлэмга ва 40 мингга яқин

тошбосма тўпламлари новё манба ҳисобланади. Уларнинг "ёши" асрлар билан ўлчанади.

Янги бинода "Езма ёдгорликларни тадқиқ этишнинг долзарб вазифалари ва замонавий услублари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлди. Турли давлатлардан келган олимларнинг илм-фан тарихи, буғуни ва истиқболига оид маърузалари тингланди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

XXI сағдоси  
**аср**  
Барча манбалардан олинган сўнги кабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юришти тўғрисидаги кодекси ва янги тахрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекса киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланди.

● Сирдарё вилоятида ҳам Наврўз байрами муносабати билан байрам тадбирлари ўтказилмоқда. "Нуруний" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган Наврўз байрами тадбирида Янги ҳаёт ҳамда Аҳлилик маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган икки боланинг суннат тўйи ҳам ўтказилди.

● Наврўз байрами арафасида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани марказида янги китоб дўкони фойдаланишга топширилди. "Китоб дунёси" масъулияти чекланган жамияти томонидан очилган ушбу масканда турли ўқув-услубий адабиётлар, ўзбек ва жаҳон адабларининг энг сара асарлари жамланган тўпламлар, эртак ва илмий-оммабоп китоблар савдоси йўлга қўйилди. Дўконда яратилган барча шароит ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

● Наврўз умумхалқ байрами арафасида Андижон шаҳрида савдо ярмаркалари ташкил этилди. Шаҳар маҳаллаларида иш бошлаган озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаларидан "Андижон-гўштсутсавдо", "Андижонбалик", "Элга хизмат" масъулияти чекланган жамиятлари, вилоятдаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари ва савдо ташкилотларининг, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирилган мева-сабзавот, озик-овқат ва полиз маҳсулотлари ўрин олган.

## ЖАҲОНДА

● Фарбий Австралия қирғоқларида бундан 132 йил муқаддам, яъни 1886 йил 12 июнда юборилган энг қадимий шиша идишга жойланган мактуб топилди.

● Халқаро олимлар гуруҳи 530 миллион ёшдаги нодир жонзот кўзининг тошга айланган қолдиқларини топди. Қадимги трилобитлар туркумига мансуб ушбу умуртқасиз жонивор бундан 541 – 251 миллион йил олдин палеозой даврида денгизда яшаган. Тош қотган ҳайвон қолдиғи тадқиқотчиларга унинг тузилишини қисман ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий хулоса чиқариш имкони бериди. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, мазкур қўзлар тирик организмнинг шу вақтга қадар ташқи пардаси билан сақланиб қолган энг қадимийси ва камёб археологик топиладир.

● Норвегия, Буюк Британия, АҚШ ва Германиядаги халқаро олимлар гуруҳи ҳаводаги ифлослантирувчи моддаларни йўқотиш глобал исчи жараёнини кучайтиради, деган хулосага келди. Маълум бўлишича, ифлослантирувчи моддалар Ерга тушадиган қўёш нусларини қисман тўсиб қолади. Уларни замонавий усул ёрдамида, яъни углевод диоксида билан йўқотиш атмосферада "иссиқхона эффекти"нинг ортишига сабаб бўлади. Натияжада атмосфера ўзига янада кўпроқ иссиқлик энергиясини ютади. Ушбу жараён оқибатида атмосферадаги ҳарорат ўртача 0,5-1,1 даражагача ортиб кетиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ўрмон ёнғини, қургоччилик авж олиши ва абадий музликлар эриши туфайли тошқинлар кўпайишига олиб келади.

ЎзГИДРОМЕТ  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ташкент шаҳрида 22 март куни ҳаво ўзгариб туради, кеча бориб ёғири ёғиб, момақалдирак бўлиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кўчайган ҳақида секундига 12-17 метр тезликда, 22 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларини бир оз тарқатиб кетишига имконият яратиб, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Реклама ўрнида



Universalbank

“Universal bank” XATB jamoasi

*Sixni so'lim Navro'z bayrami bilan tabriklaydi!*  
*Ushbu bahor ayyomi har bir xonadonga tinchlik, farovonlik, baxt va saodat olib kelsin!*  
*Sihat-salomatlik, barcha umidlar ro'yobi, totuvlik va xotirjamlik yox bo'lsin!*

**“YASHNOBOD TRANS SERVIS”  
MASЪULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYATI JAMOASI**

*sizlarni Navrўz bayrami bilan eng ezgu tilaklarni izxor etgan holda qutlaydi. Navrўzi olam shukuxi dillarimizni shod, qalblarimizni charogon qilсин, халқимизга хос бўлган меҳру оқибат бизларни асло тарк этмасин.*  
**Осмонимиз мусаффо,  
иқболимиз порлоқ бўлсин!**

**htb**  
Hi-Tech Bank

*“HI TECH BANK” jamoasi barcha yurtdoشلarimizni bahor, yanilmay va yashar va ramzi bulmayi Navrўzi olam bilan tabriklaydi. Yurtimizning, osmonimiz musaфfo bulсин, Navrўz uza gўzal diyerimiz nurga tulсин, Mavnatimkon Uzbekistondaiz gumab-yinasin!*

HI-TECH BANK куйидаги хизматларни таклиф этади:

**“HI TECH BANK” пластик карточкалари эгаларига “CASHBACK” хизмати.**  
Товар ва хизматларга тўловни “CASHBACK” картаси орқали тўлаг ва хариднинг 30% гача булган маблагини ўз ҳисобингизга қайтаринг.

**“HI TECH BANK” пластик карточкалари эгаларига жисмоний шахслар учун “ОВЕРДРАФТ” хизмати.**  
“ОВЕРДРАФТ” – бу пластик карточка орқали бериладиган кичка муддатли кредит. “ОВЕРДРАФТ” пул маблагларининг “ортикча сарфлашиши” маъносини билдириб, қарздорга карточка ҳисобида манфий балансга кириш ва тўловларни амалга ошириш имконини беради. “ОВЕРДРАФТ” бу хизматга ўлаишда белгилаб олинадиган лимит доирасида амалга оширилади. Маъкур хизмат ҳар қандай харажат пайдо булганда амалга оширишга жуда қулай ҳисобланади.

**ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ**  
ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ – бу банк жисмоний шахсларга шахсий истеъмоли учун товарлар ва хўри баҳоли хизматлар (даволаниш, туристик йўллама), қиммат ишларни амалга ошириш (квартира таъмири, шаҳар ташқарисидаги ўйни лойиҳалаш) учун таъдим қиладиган маблаглардир.

**“HI TECH BANK” жисмоний шахслардан МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ қабул қилади.**  
Муддатли омонатлар – бу қатъий белгиланган муддатда фоизлар кўринишида даромад олиш мақсадида банкга саклаш учун топширилган пул маблаглари. “Hi Tech Bank” нинг бarcha турдаги омонатлари Фуқароларнинг банкларда омонатларини қафолатлаш фонди теомондан тўлиқ ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган

Батафсил маълумот [www.htb.uz](http://www.htb.uz)  
ва +998 71 150-33-66 телефон рақамлари орқали.

**“POYTAHT” САВДО-ҲОРДИҚ МАРКАЗИ  
ЖАМОАСИ**

*барча юртдоشلаримизни ва шахримиз меҳмонларини баҳор байрами –*

*Navrўz*

*билан муборақбод этади!*  
*Сизларга сизат-саломатлик, фаровонлик, хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз!*